O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 15 MART ◆ PAYSHANBA ◆ № 33 (26.735)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

КИМЁ САНОАТИНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кимё саноати корхоналари ва ташкилотларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, тармоқ корхоналарини акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кимё ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси *қарор қилади:*

1. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси раҳбариятининг, шунингдек, тармоқ корхоналари раҳбарларининг, мамлакатда ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш бўйича амалга оширилаётган умумий стратегияга қарамай, кимё саноатининг етакчи корхоналарини акциялаштириш, хусусийлаштиришдан олдин реклама қилиш ҳамда чет эл ва мамлакатимиз инвесторларини жалб этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ҳанузгача амалий қадам қўйишмаганлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 27 декабрдаги Ф-1313-сон фармойиши билан тузилган кимё тармоғини бошқариш тизимини ва қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича махсус комиссиянинг очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси («Ўзкимёсаноат» ДАК) ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон кимё саноати корхоналари уюшмаси («Ўзкимёсаноат» уюшмаси) қатнашчилари томонидан уюшмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

кимё саноати корхоналарини чуқур ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш, ушбу мақсадлар учун чет эл ва мамлакатимиз инвесторларини кенг жалб этиш;

тармоқни ривожлантиришнинг кимё саноатини барқарор ривожлантиришга, республиканинг минерал ўғитларга ҳамда кимё маҳсулотларининг бошқа турларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган ўртача ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

кимё маҳсулотлари ташқи бозорларининг маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш ҳамда шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтиришни таъминлаш, жаҳон бозорларида рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни экспортга етказиб бериш;

кимё саноатини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга йўналтирилган ягона техника сиёсатини ўтказиш, ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ва бутловчи буюмлар тайёрлашни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;

менежментнинг замонавий усулларини эгаллаган ва бозор шароитларида самарали ишлашга қодир бўлган муҳандис-техник ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш.

4. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг штатдаги ходимларининг чекланган сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 57 кишидан иборат бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви 4 нафар аъзодан, шу жумладан, раис ва унинг 3 нафар ўринбосаридан иборат бўлади. Раис ва унинг ўринбосарлари юқори бошқарув органи томонидан сайланади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда мақоми, маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича: раис — вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари эса — вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисига, зарур бўлганда, унинг бошқаруви ижро этувчи аппарати тузилмасига штатдаги ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритишига рухсат этилсин.

5. Кимё тармоғини бошқариш тизимини ва қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича махсус комиссия, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда белгиланган тартибда:

2001 йил 1 майгача асосий фондларни 2001 йил 1 январгача бўлган ҳолати бўйича қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг устав фондини шакллантирсинлар, давлат мулки бўлган акциялар пакетини шаклланган устав фондининг 51 фоизи миқдорида сақлаб қолган ҳолда эмиссия проспекти рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар;

компания корхоналарини хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда босқичма-босқич очиқ акциядорлик жамиятларига айлантириш тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

2001 йилда биржа ва биржадан ташқари бозорларда «Шарқ таронаси» ва «Лактам» акциядорлик жамиятлари, «Кимёсавдотаъминот» ёпиқ акциядорлик жамияти акцияларининг давлат улушлари сотилишини таъминласинлар;

2001-2002 йилларда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ижтимоий инфратузилма объектларини сотсинлар, шу жумладан, хусусий мулк сифатида сотсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш учун хорижий консалтинг ва баҳолаш компанияларини, молиявий агентликларни жалб этишга рухсат берилсин, бунинг учун зарур маблағлар ажратилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси 2-Фарғона тузатиш-қурилиш-монтаж бошқармаси, 3-Самарқанд тузатиш-қурилиш-монтаж бошқармаси ва 4-Навоий тузатиш-қурилиш-монтаж бошқармаси ихтисослаштирилган тузатиш-қурилиш акциядорлик жамиятлари акцияларининг давлатга тегишли пакетларини белгиланган тартибда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига ишончли бошқарувга берсин.

8. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига мақсадли Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) ташкил этиш ҳуқуқи берилсин, Жамғарма маблағлари:

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган соф фойдасининг бир қисми;

2005 йилгача бўлган даврда — «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ишончли бошқарувида бўлган акцияларнинг давлат улуши бўйича дивидендлар;

давлат мулкини хусусийлаштиришдан ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқарувида бўлган ташкилотлар акцияларини сотишдан, шунингдек, компаниянинг ўз акцияларини сотишдан тушган маблағлар, бюджетга йўналтириладиган операция харажатлари ва улушлар бундан мустасно;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

Белгилансинки, Жамғарма маблағларидан фақат:

инвестиция лойиҳаларини, кимё саноати корхоналарини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашни;

экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва ривожлантиришни;

маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришни, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини маблағ билан таъминлашда мақсадли фойдаланилади.

Молия вазирлиги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, истисно тариқасида, объектларни хусусийлаштиришдан тушган маблағларни (қонун ҳужжатларига мувофиқ корхоналар ва Давлат мулки қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган маблағлардан ташқари), шунингдек, «Шарқ таронаси», «Лактам» акциядорлик жамиятлари ва «Кимёсавдотаъминот» ёпиқ акциядорлик жамиятидаги давлатга тегишли акцияларни сотишдан тушган маблағларни «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ихтиёрига йўналтирсин, кўрсатиб ўтилган маблағлардан Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали мақсадли фойдаланилсин.

10. Белгилансинки:

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси «Ўзкимёсаноат» уюшмаси билан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси даромадлари (фойдаси) компания акцияларини сотиш, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, мол-мулки компаниянинг устав фондига тўлиқ кирган ташкилотларнинг ажратмалари (улар соф фойдасининг 50 фоизигача миқдорда), компания устав фондига берилган акцияларнинг давлат пакетлари бўйича дивидендлардан, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлардан шакллантирилади;

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви ижро этувчи аппаратининг харажатлари 2002 йил 1 январгача компания таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобига, кейинчалик — қонун ҳужжатларига мувофиқ компания даромадлари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

11. Белгилансинки, 11 кишидан иборат шакллантириладиган Компания кенгаши «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Кимё тармоғини бошқариш тизимини ва қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича махсус комиссия икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига Компания кенгашининг шахсий таркиби юзасидан таклиф киритсин.

Кенгаш таркибига «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг акцияларига эга бўлган инвестор корхоналар ва компанияларнинг вакиллари ҳам кириши белгилаб қўйилсин.

12. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2002 йил 1 январгача қабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида уй-жой фонди, поликлиникалар ва коммунал соҳанинг муҳандислик коммуникациялари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига белгиланган тартибда берилишини таъминласин.

13. Тошкент шаҳридаги «ЎзКимёлойиҳаИТИ» институтини ва «ЎзКимёлойиҳаИТИ» институтининг Чирчиқдаги филиалини бирлаштириш ва уларнинг негизида Чирчиқ шаҳар, Тошкент кўчаси, 4-уйда жойлашган «ЎзКимёлойиҳаИТИ» ягона лойиҳа-технология институтини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

14. «Ўзкимёсаноат» акциядорлик компанияси аппарати қуйидаги манзилга жойлаштирилсин: 700060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳукумат қарорларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида икки ой муддатда таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 13 март

НАМАНГАН ҚОҒОЗИ: ИСТИҚБОЛ ҚАНДАЙ?

Ўн йил бурун асосан хомашё етиштирувчи бўлиб келган наманганликлар бугун қўлларидан кўп ишлар келишини амалда намоён этмоқдалар. Истиқлол йилларида ишга тушган қатор корхоналарда ноёб, экспортбоп саноат моллари ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда қоғоз ишлаб чиқариш фабрикаси ишга тушди.

Фабриканинг тарихи узун. «Намбум» номи билан Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси сифатида 1996 йилда рўйхатдан ўтган, лойиҳа қиймати 7 миллион 250 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланганди. Ҳамкорликни зиммага олган Германиянинг «ЭХОТЕХ» фирмаси томонидан дастлабки дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган бўлса-да, фабрика ишлаб чиқаришни бошлолмади. Хорижлик ҳамкорлар панд беришди.

Ишончли ҳамкор топилгунча фабрика туриб қолди. Ва ниҳоят 1999 йил декабрида Англиянинг «Квик Стоп групп» компанияси қўшма корхона низом жамғармасининг 62 фоизига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди ва бош таъсисчи бўлди.

2000 йили фабрикада иш қизғин борди. Компания томонидан қозонхона ва қатор ёрдамчи объектлар қурилди. Дастгоҳ ва ускуналар созланди. Хориждан ёғоч целлюлозаси ва химикатлар келтирилиб, қоғоз ишлаб чиқариш бошланди.

Фабриканинг тантанали тақдимот маросимини Наманган шаҳар ҳокими Муҳаммаджон Тожибоев очди. Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Тўлқин Жабборов, «Квик Стоп групп» компанияси президенти жаноб Жетендра Патель сўзга чиқиб, фабриканинг бугуни ва истиқболи ҳақида гапирдилар.

ФАБРИКАНИНГ БУГУНИ: 100 нафар маҳаллий ёшлар иш жойларига эга бўлдилар. Ҳар куни 10 тоннадан офсет ва факс учун ёзув қоғозлари ишлаб чиқарилмоқда. Қоғознинг сифатига гап йўқ! Финларнинг қоғозидан устунроқ. Бежирим, оппоқ, силлиқ.

ИСТИҚБОЛИ: Ишчилар янги соҳани пухта ўзлаштириб бормоқдалар. Аста-секин фабрика йилига 10 минг тонна ёзув қоғози ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу экспорт имконини беради. Яна бир қувончли жойи шундаки, шу йилнинг охирига бориб фабрикада ўзимизнинг хомашё — пахта линтидан қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳозирда целлюлоза цехининг қурилиши ва монтажи жадал олиб борилмоқда.

МУХБИР ИЗОҲИ: *Чиқаётган қоғозда аксингиз кўринади. Ҳозирча целлюлоза хориждан сотиб олиниб келтирилаётгани ва ишлаб чиқариш харажатларини қўшганда бир килограммининг нархи бирмунча юқори бўлаяпти.*

Агар тезроқ линтдан целлюлоза ишлаб чиқарилса-чи? Унда биз газета қоғозига ҳам эга бўлишимиз мумкин. Агар қоғоз ишлаб чиқариш жараёнидаги барча харажатлар линт баҳосида ҳисобланса бир тонна қоғознинг нархи бугунги кундагидан арзон бўлиши муқаррар.

Демак, арзон баҳодаги қоғозга эга бўлишимизга жуда оз вақт қоляпти.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

***

СУРАТЛАРДА: *фабриканинг тақдимот маросимидан лавҳалар.*

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ХДП ХАБАРИ

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Гулистонда ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўртинчи сессиясидаги маърузасидан ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг учинчи пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вилоят партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Маърузачи ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Дўстмурод Қулматов ҳамда музокараларда иштирок этган нотиқлар кун тартибидаги ана шу долзарб мавзу хусусида фикр юритдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими Собир Усмонов сўзга чиқди.

Пленум ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Камолиддин Оқбўтаев иштирок этди.

Кўрилган масалалар юзасидан пленумда тегишли қарор қабул қилинди.

■ Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

НАВРЎЗ СОҒИНЧИ

Қорақалпоғистон Республикаси «Нуроний» жамғармасида бўлиб ўтган йиғилиш оналар ва фарзандларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, мустақиллигимизнинг 10 йиллигига муносиб тайёргарлик кўришга бағишланди. «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари «Маънавият ва маърифат» маркази, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш шу куннинг долзарб вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимиз шаҳар ва туманларида ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Кўчалар, хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғлари атрофларини ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Бу йил 200 гектар майдонда боғлар яратиш, 470 минг манзарали кўчат ўтказишга қарор қилинган.

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ГИЁҲВАНДСИЗ ДУНЁ САРИ

Юртимизда гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. «Камолот-Қонун» ҳуқуқий маркази ишлаб чиққан ва тегишли давлат идоралари томонидан тасдиқланган «Гиёҳвандсиз дунё» дастури ҳам том маънода салбий иллатларга қарши курашиш йўлидаги муҳим қадам дейиш мумкин.

Шу дастур доирасида ташкил қилинган Тошкент шаҳар мактабларининг директорлари семинар-тренингида гиёҳвандликка қарши курашишни қуйи ўқув муассасаларидан бошлаб, аввало мактаб мутасаддилари, ёшлар тарбиячилари онгида етарли тушунча ҳосил қилиш тажрибалари хусусида гап борди. Тадбирни Вазирлар Маҳкамаси қошидаги гиёҳванд моддаларни назорат қилиш миллий маркази, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Ўзтелерадиокомпания ҳамкорликда ўтказди.

■ Шуҳрат ОРИФ

ТАДБИРКОР АЁЛ САХОВАТИ

Пастдарғомлик тадбиркор Маҳкамтош Содиқова ўз ҳисобидан кексалар ва ногиронлар уйи очди. «Истиқлолга шукроналар айтиб, тадбиркорлик билан шуғуллангандим. Кичик дўкон очиб, хориждан маҳсулотлар келтирдим. Молиявий аҳволим яхшиланганч, барака бўлсин деб саховатга қўл урдим, — дейди М. Содиқова. — Қаровсиз ҳовлини таъмирлаб, кексалар ва ногиронлар уйи — «Саховат»нинг очилиши кўпчиликка маъқул келди». Бу ерда 25 нафар отахон ва онахонлар саломатликни мустаҳкамлаш имкониятига эга. Малакали шифокорлар парвона.

■ Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

ҚУЛАЙ ШАРОИТ — КЕНГ ИМКОНИЯТ

Охунбобоев туманидаги 11-умумтаълим мактабида нафақат таълим ишлари, балки ўқув қуроллари, жиҳозлар ҳам дунё андозаларига мос. Бу ерда энг замонавий IBM русумидаги 12 та компьютер, принтер, видеомагнитафон, ксерокс, спорт анжомлари ўқувчи ва мураббийлар хизматида. Синфлар тоза, ўриндиқлар янги ва замонавий.

Гап шундаки, Ўзбекистондаги Япония элчихонаси Ўзбекистон халқ таълими тизими ўқув даргоҳларига беғараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш жараёнида ушбу мактабга ҳам 39 минг 365 АҚШ доллари миқдоридаги маблағга парта, стол-стуллар, ёзув тахталар, компьютерлар совға қилган эди.

— Қулай шароит ва имкониятлар ўқувчи-ю ўқитувчиларни ўз устида яхшироқ ишлашга, дарсларни намунали ўзлаштиришга ундаяпти, — дейди мактаб касаба уюшмаси раиси А. Маҳмудов, — мактабимиз рейтинги ошди. Ўқувчиларимиз олис Япония, унинг табиати, одамлари ҳақида яхшироқ тасаввурга эга бўлдилар. Улар келажакда Ўзбекистон ҳам Япония каби ривожланган давлат бўлишини орзу қилмоқдалар.

Ўзбекистондаги Япония элчихонаси Фарғона вилоятидаги 5 та умумтаълим мактабига 167 минг доллар ҳажмида жиҳозлар олиб берди.

■ Алишер ИБОДИНОВ

«АЛДАГАНИ ТАЛАБА ЯХШИМИ?»

«Ўзбекистон овози»нинг 2001 йил 27 январь сонида чоп этилган «Алдагани талаба яхшими?» сарлавҳали мақолани атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз.

Термиз тиббиёт билим юртини тиббиёт коллежига айлантириш ишлари 2000 йилнинг март ойида бошланган. Коллеж қурилишида буюртмачи вазифасини вилоят академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар қурилиши дирекцияси, бош пудратчи вазифасини эса «Сурхондарёдеҳқонқурилиш» ОТХЖга қарашли 274-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма олган, бундан ташқари қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажариш учун ўндан ортиқ қурилиш ташкилотлари жалб этилган.

Ушбу коллежни 2000 йилда фойдаланишга топширилмаганлигининг асосий сабабларидан бири қурилиш ишларини бошлаш жараёнида лойиҳачи ташкилот томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тўлиқ тақдим этилмаганлиги, уларга ўзгартиришлар киритилиши, бюджет танқислиги оқибатида қурилишда вужудга келган молиявий узилишлар ҳамда барча қурилиш ташкилотларини вилоятимизнинг Сариосиё ва Узун туманларидан фавқулодда ҳолат туфайли кўчирилган аҳолига қисқа муддатда уй-жой қуриш учун сафарбар этилганлигидадир.

Ҳозирги пайтда коллеж маммуини 2001 йил инвестиция дастурида кўзда тутилган муддатда, яъни июнь ойида фойдаланишга топшириш учун барча чора-тадбирлар белгиланиб, қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

■ Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. НУРАЛИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«СУРАТЛАР АЙБЛАЙДИ»

Вилоят ҳокимлиги, Олтиариқ туманидаги юқумли касалликлар шифохонаси «Ўзбекистон овози»нинг шу йил 16 январь сонида чоп этилган «Суратлар айблайди» номли танқидий мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ш. Хусанбоев, Олтиариқ тумани ҳокимининг ўринбосари А. Суярқулов, туман марказий шифохона бош ҳакими Т. Саримсоқовлар мақолада қайд этилган жойга бориб вазиятни ўрганишди.

Олтиариқ тумани Қапчғай қишлоғидаги юқумли касалликлар шифохонаси туман марказидан 7 километр узоқликда жойлашган. Шифохона 60 ўринга мўлжалланган ва 1998 йили фойдаланишга топширилган. Бинонинг фақат асосий даволаниш корпуси битказилиб ишга туширилган. Маблағ етишмаслиги сабабли шифохонанинг иситиш қозони, ошхона, кир ювиш бинолари қурилмасдан қолиб кетган. Газ қувурлари шифохонага тортилмаган. Шифохона 500 метр узоқликда жойлашган ип йигирув фабрикаси орқали иссиқлик билан таъминланарди. Лекин газ босими марказлашган ҳолда пасайиши сабабли иссиқлик етарли даражада бўлмаяпти.

Бундан ташқари электроэнергия билан таъминланишда узилишлар шифохонага боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этилмоқда.

Бу ерда мукаммал таъмирлаш ишларини ўтказиш тўғрисида туман марказий шифохонасининг бош ҳакими Т. Саримсоқов бир неча маротаба туман ҳокимлигига хат орқали мурожаат қилган. 2000 йил давомида туман марказий шифохонаси ўз ички имконияти ҳисобига жорий таъмирлаш ишларини ўтказди ва шифохонага газ қувурлари тортиб келтирилди. Олтиариқ туман ҳокимлиги томонидан шифохонани тўлиқ таъмирлаш ишлари шу йилдан бошланиб, шу кунгача шифохонанинг томи таъмирланиб, 5,0 млн. сўмлик ишлар қилинди.

Ичимлик суви шифохонага 800 метр масофадан келтирилиши режалаштирилган бўлиб, яқин кунларда тўлиқ ишга туширилади.

Ҳозир беморлар бошқа шифохоналарга ўтказилди ва даволаш ишларини туман ҳокимлиги ўз назоратига олди. Шифохонадаги таъмирлаш ишларини назорат қилиш туман ҳокимлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг зиммасига юклатилган.

■ Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф. АЗИМОВ

ИСТИҚЛОЛ, МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ БАХТИ — УНИНГ БЕТИМСОЛ ТАБИАТИ, СОДДАДИЛ, ОЧИҚҚЎЛ ВА МЕҲНАТКАШ ХАЛҚИДИР. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖОН ТОМИРИ БЎЛГАН АНДИЖОН ҲАМ УЛУҒЛАР СУВ ИЧГАН ДАРЁ, ХУДО ЁРЛАҚАГАН, ПЕШОНАСИ ЯРҚИРАГАН ЮРТДИР.

ИСТИҚЛОЛНИНГ САЛКАМ ЎН ЙИЛЛИК ДАВРИ МОБАЙНИДА ВИЛОЯТНИНГ 8 ТА ТУМАНИ ВА БИР ҚАТОР ШАҲАРЛАРИГА МУҲТАРАМ ЮРТБОШИМИЗНИНГ ТАШРИФ БУЮРГАНЛИКЛАРИ ҲАМ ФИКРИМИЗГА ДАЛИЛДИР.

МУСТАҚИЛЛИК АНДИЖОН ТАРИХИДА ЗАРҲАЛ САҲИФАЛАР ОЧДИ. АНДИЖОНДА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ. ПАХТАЧИЛИКДА ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА ЭКИШ ВА ПАХТА ЕТИШТИРИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТЕЗЛАШТИРИШДА АНДИЖОН ТЕХНОЛОГИЯСИ ЯРАТИЛДИ. ЧЕТ ЭЛ САРМОЯЛАРИ ҲИСОБИГА 85 ТА ҚЎШМА КОРХОНА БУНЁД БЎЛДИ.

АНДИЖОН РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ АҲОЛИСИ ЭНГ ЗИЧ ЖОЙЛАШГАН ВИЛОЯТДИР. БИРОҚ МЕҲНАТНИ ЗАҲМАТ ДЕБ, МАШАҚҚАТ ДЕБ ЭМАС, БАЛКИ БАХТ ДЕБ, ДАВЛАТ ДЕБ ТУШУНМОҚ АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ ФАЗИЛАТИДИР. ЭЛ БИЛАН ДИЛЛАШИБ, ЕР БИЛАН ТИЛЛАШИБ ТУПРОҚДАН ТИЛЛО УНДИРГАН ҲАМ ЎША КАМСУҚУМ ХАЛҚДИР.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДАГИ КАТТА ЎЗГАРИШЛАРНИ КЎРИБ ҚИЛГАН ХУЛОСАМИЗ ШУ БЎЛДИ: СУВ БОШИДА УЛУҒЛАР ТУРСА ДАРЁЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН ЛОЙҚАЛАНМАЙДИ, ЎЗ ЎЗАНИДА ТЎЛИБ-ТОШИБ ОҚАВЕРАДИ.

Ислом КАРИМОВ:

Андижонликлар деганда кўз ўнгимизда янгиликка интилувчи, замонавий технологияларни жорий этишда ташаббускор, доимо изланиб яшайдиган, бир ишга бел боғласа бутун борлиғи билан киришадиган, лафзи ҳалол, танти инсонлар намоён бўлади.

1996 ЙИЛ НОЯБРЬ. АНДИЖОН ШАҲРИ

БОЛАЛАР — КЎЗ ҚОРАЧИҒИМИЗ

Меҳрга ва эътиборга энг муҳтож тоифа болалардир, айниқса, унинг кўнгли ярим, вужуди хаста бўлса... Бемор гўдакка миннатсиз малҳам керак.

Андижон шаҳридаги биринчи болалар клиник шифохонасига Юртбошимизнинг ташриф буюрганига ҳадемай беш йил бўлади. Ўшанда Президентимиз Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган илк «Дамас» автомашинасининг калитини шифохона бош врачи Светлана Иномованинг қўлига топширган эди. Бемор болалар учун ихтисослашган махсус бу машинани бугун андижонликларнинг барчаси яхши танийди.

Шифохона ҳовлисини зимдан кузатарканмиз, улуғлар изидан унган яшиллик, сокинлик, покизалик бизнинг ҳам кўнглимизни обод қилиб юборди. Ичкарига кирамиз: йўлак деворларидаги энг тиниқ ва рангин тасвирлар, дераза рахларида барқ уриб ўсаётган гуллар фарзандларимиз дардига малҳам бўлиб, кўзларини яшнатаётганига амин бўламиз.

200 беморга мўлжалланган бу шифохонада 250 га яқин ҳамшира ва 82 нафар врач кечаю кундуз меҳнат қилади.

— Қилаётган меҳнатларингиздан кўнглингиз тўладими? — деган саволимизга Светлана опа шундай жавоб бердилар:

— Баҳоли қудрат меҳнат қилаяпмиз. Лекин бу ҳали мақтовга арзигулик эмас. Ўша унутилмас учрашувда муҳтарам Президентимиз ҳар бир ходимимиз билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиб: «Болалардан ҳеч нарсани аямаслигимиз керак», дегандилар. Энг муҳими, халқнинг боласини кўз қорачиғимиздек асрашимиз кераклигини бу даргоҳда меҳнат қилаётган ҳар бир инсон ҳис қилади. Ёрдам сўраб қаерга мурожаат қилмайлик, ҳеч ким қўлимизни қайтаргани йўқ шу пайтгача. Шаҳар электр тармоғи, вилоят агрокимё, «Иссиқлик манбаи» каби ташкилотлар, кичик корхоналар, фирмалар, тадбиркор аёллар — ҳамма-ҳаммаси ўғил-қизларимизнинг соғлиғини тиклашимизда бизга астойдил ёрдам беришяпти. Ҳамкасбларимизнинг барчаси спорт билан шуғулланишади. Ўзимизнинг хор жамоамиз бор. Ирина Камакина исмли врачимиз теннис бўйича вилоят ғолиби бўлди. Яқинда республика мусобақасида ҳам иштирок этади.

Унинг айтишича, жажжи беморлар соғлиғи учун елиб-югураётган ҳамшираларнинг барчаси «кўнгил дизайнери» бўлиб кетишибди.

Тасодифни қарангки, биз бу даргоҳга борган куни Юртбошимиз эҳтиромига сазовор бўлган аёл — Андижон вилоят 1-болалар клиник шифохонасининг бош врачи Светлана Иномова эллик ёшга тўлган эканлар. Биз эса уни ўз хизмат жойида, оппоқ халатда — халқнинг болалари орасида учратдик. Фидойилик деганлари шудир-да!

■ **Забаржад БОБОЖОНОВА**

1996 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРЬ. ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИ

ЕР БЕЗАГАН КАМ БЎЛМАС

Улуғларнинг изидан юрмоқлик яхши экан. Андижон вилояти бўйлаб қилган сафаримиздаги энг кўнгилли воқеалардан бири Юртбошимизнинг назарлари тушган яна бир инсон — Олтинкўл тумани «Намуна» жамоа хўжалигидаги 4-бригада бошлиғи Асалхон Расулова билан қилган учрашувимиз бўлди.

Асалхон опа плёнка остига чигит экишни ўз даласида биринчилардан бўлиб бошлаб берган ва элнинг ишончини қозонган уста пахтакор. Ҳамқишлоқлари уни ҳурмат қилади, «қалбида иймони, омборида дони, тандирида нони бор аёл», деб мақташади.

— Узоқ йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланганим учунми, далада ишлаш мен учун ҳеч қийинмас. Ҳар қанақа шароитда ҳам завқ-шавқ билан меҳнат қилиш мумкин, деб ўйлайман. Бригадамиз қишлоқнинг энг чеккасида, маҳалланинг ичкарисида жойлашгани учун Президентимизнинг ташриф буюришини хаёлимизга ҳам келтирмагандик. Ўша куни Юртбошимиз кеч маҳал соат 4 ларда шийпонимизга келган бўлсалар, салкам бир соат ўтириб биз билан плёнка остига чигит экишнинг сиру синоатлари, сарф-харажатлари тўғрисида савол-жавоб қилдилар. Кейин шудгорга кириб очиққа экилган пахта билан плёнка остида етиштирилган пахта ҳосилини қўлига олиб, чамалаб раис бувамиз билан бирга ҳисоб-китоб қилиб кўрганлар. Демоқчиманки, бу усулда пахта экиш бирданига — таваккалчилик йўли билан эмас, балки чуқур таҳлил ва тажриба қилиб кўрилгандан сўнг бошланди. Плёнка остига чигит экилганда, биринчидан, меҳнат камаяди, далага бегона ўт ораламайди. Иккинчидан, ҳосил эрта пишади ва сифатли бўлади. Халқимиз илгариги пайтлардагидек кузнинг қора кунларида пахта териб қийналмайди. Учинчидан, ерга барвақтроқ кузги ишлов берилади. Табиийки, баҳоргача дам олган майдонларда унумдорлик ҳам юқори бўлади-да. Ўшанда Президентимиз «Мамажон ака, ҳозирча топганимизнинг ҳаммасини халққа бериб турайлик. Беш-олти йилдан кейин ҳаммаси ўз изига тушиб кетади!» дегандилар. Ҳозир биз ўша яхши ниятнинг натижасини кўриб турибмиз...

Асалхон Расулова хотиржам сўзлайди. 50 ёшли, олий маълумотли бу онахон пахтанинг тилинигина тушуниб қолмай, ернинг барча сиру синоатларини беш қўлдай билади. 87 гектар майдоннинг 47 гектарига пахта экилса, қолган қисмида шу бригада аъзолари учун буғдой, шоли, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади.

Асалхон опанинг чеҳраси ёруғ. Унинг юраги саросима ва хавотирдан мутлақо ҳоли. У далага бор кучи ва меҳрини беради, боласидек ардоқлайди. Олтинкўлликлар эса беихтиёр унга эргашади.

«АНДИЖОН ЭНГ ИССИҚ

Асака Андижон вилоятининг энг сўлим гўшаси. Бир қарашда дўппидеккина шаҳар. Бироқ бугунги кунда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг шарофати билан ушбу мўъжаз масканни дунё танийди. Вилоятда транспорт муаммоси аллақачон ҳал бўлган. Ҳатто Асакада ишлаб чиқарилаётган «Дамас» автомашиналари «Андижон метроси» деган рамзий номни ҳам олган.

«ЎзДЭУавто» Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда бунёд этилган йирик автомобиль заводидир. Ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобилларининг оёғи ерга тегмай харидорлар ихтиёрига ўтмоқда.

«ЎзДЭУавто» мисоли мўъжиза. Замонавий дид билан жиҳозланган қўшма корхона ишлаб чиқариш жабҳаларини кузатсангиз техника тараққиёти ютуқларига қойил қоласиз. Компьютерлар, дастгоҳлар маълум дастур асосида аниқ ҳаракат қилади. Бир-бирига мутаносиб тузилмаларнинг бирида «Тико», «Дамас» бутланаётган бўлса, иккинчисида «Нексия» дунёга келяпти.

Кенг цех ўртасидаги таблода бугунги ишнинг натижалари акс этиб турибди. Бу ҳол эътиборимизни тортганини сезган ҳамроҳимиз даров изоҳлай кетди: «Аслида ҳозиргача 79 та «Нексия» конвейердан чиқиши мўлжалланган эди. Лекин ишчиларимизнинг ғайрати билан 93 та, яъни режадагидан ортиқ 14 та автомобиль тайёр бўлди».

Қўшма корхонада уч ярим минг киши меҳнат қилади. Улардан икки мингдан ортиқроғи 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. «Янги асрда янги ғайрат-шиҳ билан ишлаш учун Балиқчи тумани ҳокими Адҳамжон Мамажоновга мурожаат қилдик.

— Юртбошимизнинг туманимизга ташрифи хосиятли бўлди:

Истиқлол меваси сифатида барпо этилган газ омбори кўҳна Хўжаобод туманидаги Шаҳрихон сойининг ёнбошида, Андижон адирларининг нақ биқинида жойлашган.

Инсоннинг табиатида азалдан бахтга интилиш ва саодатли кунларни кутиш фазилати мавжуд. Ҳамма гап шундаки, шукроналикка дахлдор умрини ҳар ким ҳар хил сарфлайди. Бахтга қарши, биз шўро тузумида ўзига тўқ ва бадавлат хонадонларга шубҳа ва гумон кўзи билан қарардик. Ҳайриятки, бугун ўша хавотир туманлари мутлақо тарқаган. Халқимиз бутунлай бошқача дунёқараш, ҳавас ва ифтихор туйғулари билан яшамоқда. Андижон газ омбори ишчилари Давронбек Иброҳимов ва Тоҳиржон Фозиловлар билан суҳбатлашганимизда бу фикримизга яна бир марта иқрор бўлдик:

— Ишчининг кайфиятини кўтариш учун кўп нарса керакмас. Тўрт мучанг соғ бўлса, эл-юрт, бола-чақа омон бўлса, маош вақтида берилса, бизга шунинг ўзи етади. Илгаридан кўпчилик шаҳарга қатнаб тирикчилик қиларди. Биз эса ҳозир ошналарим билан Андижондан мана шу газчилар қишлоғига қатнаб ишлаб юрибмиз. Менимча, шу ҳодисанинг ўзи ҳам юрт озодлигининг самараси бўлса керак-да! — дейди Давронбек.

Давронбекнинг самимий эътирофи кишини беихтиёр ўйлантириб қўяди. Дарҳақиқат, бутун бир мамлакат жажжигина қишлоқ бағридан ҳарорат топса, вилоятнинг «ман-ман» деган алпқомат йигитлари шу корхонада меҳнат қилиб, рўзғор тебратса, қувонмай бўладими!..

ЎЗБЕКИСТОН АЛПОМИШЛАРИ

ПАҲЛАВОННИНГ ОНАСИ

Хосият опа билан суҳбатлашмоқ бир мактабдир.

— Ўткирбегим чақалоклигида кўлчаларини мушт қилиб олса, раҳматли отаси: «Кўрдингми, онаси, бу бола боксчи бўлади» — дерди, — она кўзларидаги ёшни артиб улгуролмайди. — Бу кунларни кўрганда дадаси оламга сиғмай қувонармиди...

Ўткирбекнинг бугунги ютуқларидан бутун Ўзбекистон қувонмоқда. Юртбошимиз ҳам вилоятимизга ташриф буюрганларида: «Кейинги йилларда Андижон деганда дунё боксчилари ҳушёр тортадиган бўлиб қолишди», деганди. Дарҳақиқат, икки йил ичида учта жаҳон чемпионининг ўзи Андижондан чиқди-да!..

Ўткирбек Ҳайдаровлар оиласи Пистамозорда истиқомат қилади. Биз паҳлавоннинг онаси билан узоқ суҳбатлашдик. Хосиятхон опанинг орзу ва армонлари гўё сеҳрли сандиқдек очилиб, тўлиб-тошиб сўзларди.

— Президентимиз ўғлимизни бағрига босиб турганини отаси ҳам кўрганда эди...

Отанинг башорати, онанинг орзулари ижобат бўлди. Ўткирбек Ҳайдаровнинг сурати чемпион муҳри билан дунё кезмоқда. Ўғлининг Юртбоши ҳадя қилган «Нексия» автомашинасини учириб юрганини кўрганда, Хосият опа ҳар сафар турмуш ўртоғи, раҳматли Абдужалил акани эслаб кўзига ёш олади.

Беш фарзанднинг тўнғичи Ўткирбек гўдаклигиданоқ ниҳоятда чайир, қотма ва чаққонлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Отаси уни қўлидан етаклаб бокс мактабига олиб борганда эндигина етти ёшга тўлганди. Болаликда ҳаммада ҳам спортга қизиқиш учқунлари бўлади. Улғайгач, кимдир бу чўғни сўндиради, кимдир аланга олдиради. Ўткирбек энг қийин пайтларда ҳам боксни ташлагани йўқ. Онаси ҳамиша унга умид ва куч бағишлаб турди. «Албатта, чемпион бўласан, ўғлим!» деб илҳомлантирди.

— Америкада дунё чемпионати бўлаётганда телевизор қаршисида ўзимни кўярга жой топмай тўлғониб ўтирдим. Тилимда ҳам, дилимда ҳам Оллоҳдан нажот сўраб турдим.

Хосиятхон опа ўзбекона соддалик ва самимият билан сўзларкан, лабларидаги кулгуни ҳам, кўзларидаги қувонч ёшларини ҳам яширолмасди.

Онажон, бу табассум, бу кўз ёшлар неча йиллик чеккан заҳматларингиз учун берилган мукофотдир. Ўзбекистоннинг ботир ўғлони, жаҳонни лол этган паҳлавоннинг онаси бўлмоқликнинг ўзи улкан бир бахтдир. Зеро, юртимиз Алпомишлари Андижон бағрида улғаяётганларидан бизлар ҳам бахтиёрмиз.

■ **Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА**

Маълумки, ишсизлик муаммоси фақат Ўзбекистонимиздагина эмас, балки бутун дунё халқларининг иқтисодиётига ва маънавиятига ўз ҳукмини ўтказаётган оғриқли масалалардан биридир.

Халқимиз меҳнатдан қочадиган халқ эмас. Зеро, ишсизлик муаммосини ҳам юртдошларимиз атайлаб ўйлаб топаётганлари йўқ. Бироқ, инсон боласи қандай бўлмасин ўз кучини нимагадир сарфламоғи шарт. Акс ҳолда, кутилмаган нохуш ҳодисалар рўй бериши мумкин. Бекорчилик — энг хатарли ёв. Демак, биз ўша ёвнинг бош кўтаришига йўл қўймаслигимиз лозим.

Муҳтарам Президентимиз 1998 йилнинг 17 июнида вилоятнинг Балиқчи туманига ташриф буюрган чоғида «Шераличек», «Пахтакор», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида бўлиб, тумандаги ижтимоий аҳвол билан яқиндан танишди. Фермер Маъмуржон Насриддинов, бригада бошлиғи Абдуманноб Кетмонов, «Ўзбекистон» ва «Пахтакор» жамоа хўжаликларининг раислари Ширмонхон Саломова, Мунисхон Мирабдуллаева ва бошқа меҳнаткашлар билан ҳамсуҳбат бўлиб уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишдилар.

Ўша учрашувда маълум бўлишича, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 11 минг аҳоли яшайди. Лекин, улардан 3 минг кишигина хўжаликда ишлайди. Хўжаликдаги битта фабрикада 300 ишчи, қолган кичик корхоналарда ҳам тахминан шу атрофдаги аҳоли меҳнат қилади. Демак, меҳнат билан банд аҳолининг сони 4 минг нафардан ошмасди.

Лекин ўтган йил мобайнида Балиқчида анча-мунча ижобий силжишлар рўй берганига сафаримиз чоғида биз ҳам амин бўлдик. Тумандаги меҳнат ресурслари атрофлича ўрганилди. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш масалалари имкон қадар йўлга қўйилмоқда. 2001-2005 йилларга мўлжалланган иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ меҳнат қонунларининг қай ҳолда бажарилаётгани қатъий назорат қилинмоқда. Меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган фуқаролар, яъни ногиронлар, кўп болали аёллар, жазо муддатини ўтаб қайтганлар, ҳарбий хизматдан келганлар ҳамда ўрта мактабни битирган ёшлар учун имтиёзли ихтисослашган ишчи ўринлари яратишга бутун жамоатчилик жалб қилинмоқда. Хусусий тадбиркорлар, кичик корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари уларни ўз ҳомийликларига олишиб, уста-шогирд анъаналарининг йўлга қўйилаётгани қувончли ҳодисадир.

Балиқчи туманида 143 мингдан зиёдроқ аҳоли яшайди. Шундан 68 минг нафари меҳнатга лаёқатли. Лекин халқ хўжалигида банд бўлмаган кишилар 12007 нафарни ташкил этади. Кўриниб турибдики, бу кўрсаткич жамиятимизнинг иқтисодий аҳволига таъсир этмай қолмайди. Шу маънода туман ҳокимлиги қошидаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими жиддий изланишларни амалга оширмоқда. Ишсизлик мақомини олган фуқаролар иш топилгунича маълум миқдордаги нафақа билан таъминланмоқда. Бироқ бахтга қарши норасмий ишсизлар ҳам борки, уларни танбаллик ва ношудлик балосидан халос қилиш бугунги кунимизнинг ҳал қилиниши шарт бўлган муаммосидир. Биз шулар хусусида суҳбатлашиш учун Балиқчи тумани ҳокими Адҳамжон Мамажоновга мурожаат қилдик.

1998 ЙИЛ 17 ИЮНЬ. БАЛИҚЧИ ТУМАНИ

БЕКОРЧИЛИК — ...

бўлди. Чунки ўша пайтгача биз ишсизлик муаммоси иқтисодий ва маънавий тараққиётимиз йўлида қўндаланг бўлиб турганини сезсак ҳам аниқ чора-тадбирлар кўришга қўлимиз қисқалик қилаётганди. Президентимиз шундай аниқ кўрсатма ва таклифлар қилдики, фақат Балиқчидагина эмас, бутун вилоятимизда бу муаммони ҳал қилишга астойдил ҳаракат қилина бошланди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш натижасида

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ



1996 ЙИЛ 19 ИЮЛЬ. АСАКА ШАҲРИ

жоат билан» шиори ҳар бир ходимнинг ҳаёт мазмунига айланган.

— Бу йил 51 минг 400 автомашина ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, — дейди ишлаб чиқаришни бошқариш бўлимининг бош менежери Равшанбек Искандаров, — бу ўтган йилга қараганда 1,8 баравар кўп деганидир».

Шу билан бирга корхона мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллик тўйига тўёна сифатида янги «Матиз» енгил автомашинасини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

МЕТРОСИ»

Равшанбекнинг тасвирлашича: «Матиз»нинг ички салони кенг ва қулай. 51 от кучига эга. Шиналари катта. Ойналари пишиқ. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, фақат юртдошларимизгагина эмас, ташқи бозордаги харидорларга ҳам «Матиз» манзур бўлиши мумкин.

Бу даргоҳда ишчи-хизматчиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда қўшма корхонада янги ўқув маркази иш бошлади. У ходимларнинг билимларини ошириб, мустаҳкамлабгина қолмай, иқтидорли ёшларни аниқлашга ёрдам беради. Ўз устида изчил ишлаган йигит-қизлар меҳнатларининг рағбатини ҳам топадилар.

Корхонадаги иш жараёнини кузатамиз. «Шуҳрат» ордени нишондори Улуғбек Юнусов ҳозиргина «тахт»дан тушган, ҳали оҳори тўкилмаган автомобилларни назоратдан ўтказмоқда.

— Қўшма корхона қурилган кундан буён шу даргоҳда ишлаяпман, — дейди у. — Менинг вазифам янги автомобилларни назоратдан ўтказишдир. Бу иш синчковлик ва хушёрликни талаб қилади. Негаки, биз ҳар бир тақдим этилаётган маҳсулотимизнинг сифатига кафолат беришимиз шарт.

«ЎзДЭУавто»да иш жадаллик билан боряпти. Харидорлар ушбу корхонага умид билан кўз тикиб турибди. Ким билан суҳбатлашманг, Асакада дунёга келаётган автомашиналар ҳақида ижобий фикрлар эшитасиз. Бир сўз билан айтганда, «ЎзДЭУавто»нинг «Нексия», «Тико», «Дамас»ларига гап йўқ. Ҳадемай, уларнинг сафига яна бир техника ютуғи «Матиз» қўшиладики, бу ҳодиса Ўзбекистонимиз довруғини бутун дунёга кўз-кўз қилиши шубҳасиздир.

1999 ЙИЛ 17 ДЕКАБРЬ. АНДИЖОН ТУМАНИ. ОҚ-ЁР ҚИШЛОҒИ

«ЎЗИМ БАЖАРСАМ — АНГЛАБ ЕТАМАН»

Андижон саноат касб-ҳунар коллежи 1999 йили Президент ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилган.

Юртбошимиз ўз ташрифларида коллежнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб, ўқув ва ишлаб чиқариш хоналари қандай бўлиши кераклиги, ўқув машғулотларининг савияси, талабаларнинг дунёқараши, ички ва ташқи маданиятини шакллантириш хусусида бир қатор муаммоларни ўртага ташлаган, уларни ҳал қилиш йўлларини ҳам кўрсатганлар, ўз маслаҳатларини берганлар. Шундай қилиб, мамлакатимизда биринчи бўлиб дизайн йўналиши бўйича очилган ушбу коллеж иккинчи ўқув йилини давом эттирмоқда.

Маълумки, илгариги ҳунартехника билим юртларида ўқувчилар фақат китобдан ўрганишарди, ўзлаштираётган мутахассисликлари ниҳоятда тор доирада бўларди. Ушбу замонавий коллежда эса йигит-қизлар тикилаётган либосни бошидан охиригача лойиҳалайди: ўзи андоза олади, ўзи бичади, ўзи тикади, қадоқлаш, пардозлаш ишларини ҳам ўзи бажариб сотувга тайёрлайди. Бу даргоҳда бевосита мутахассисликка дахлдор фанлар биринчи йилдаёқ ўқитила бошланади. Мақсад — назарий билимларни амалиёт билан боғлаб, талабаларнинг касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини ўстириш ва уларни маълум малакага эга қилишдир.

Биз ўқув ва тарбия жараёни хусусида суҳбатлашиш учун коллеж директори, техника фанлари номзоди, доцент Зафарбек Жўраевга мурожаат қилдик:

— Хитойларнинг «айтсам — унутаман, кўрсатсанг — эслаб қоламан, ўзим бажарсам — англаб етаман», деган бир қоидаси бор. Биз ҳам ўша қоидани ўзимизга шиор қилиб олганмиз. Шўро даврида асосан айтсанг — эсдан чиқараман қабилида иш юритиларди. Шунинг учун ҳам биз кўп нарса йўқотганмиз. Биринчи галдаги ютуғимиз шундаки, биз моддий-техника манбаига ҳамда ёш ва кучли илмий потенциалга эгамиз, яъни мутахассислар муаммоси ҳал қилинган. Бу даргоҳда олти нафар фан номзодлари меҳнат қилади. Коллежимизда илмий ишларни давом эттириш бўйича ҳам шарт-шароитлар мавжуд. Даврбек Қодиралиев, Нодирбек Қосимов, Саъдулло Каримовлар эртаиндин номзодлик ишларини ҳимоя қилишга шайланиб турган ёш муаллимларимиздир. Ўн нафар муҳандис-педагоглларимизнинг ҳам барчаси олий маълумотли етук мутахассислар.

— Бу даргоҳни тамомлаётган ўқувчи-талабаларнинг эртанги куни қандай бўлади деб ўйлайсиз?

— Коллежимизни битирган ёшлар биринчи галда ўз иш жойини топиши ва ҳар қанақа ижодий рақобатга тайёр туриши, энг муҳими, ҳар соҳада эркин фикрлаши керак. Энг катта мақсадимиз Тендер ташкил қилиш, яъни тарбияланаётган мутахассисларимизнинг харидорларини кўпайтириш учун Голландия, Ирландия, Канада, Россия, Америка, Финляндия, Жанубий Корея каби хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. У ерлардан экспертлар келишади, бизнинг мутахассисларимиз ҳам таълимни мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш, меҳнат бозорлари билан ўқув юртлари орасидаги мутаносибликка эришиш ниятида ўша давлатларда тажриба алмаштириб қайтмоқдалар.

— Зафарбек, мана сиз Америка, Канада давлатларида тажриба алмашиб қайтгансиз. Ана шу ижодий сафарлар давомида ўзимизда қандай муаммолар борлигини англадингиз?

— Уларда модел жорий қилинган, яъни бирон бир фан (уни модел деб аташ ҳам мумкин) бошидан охиригача натижаси бўйича баҳоланади. Бизда унақа эмас, бир-икки ой давомида оралиқ, жорий, якуний назоратлар ўтказамиз-у, аниқ натижа, аниқ мақсад кўрсатилмай ўқитилади. Бу — бизнинг камчилигимиз! Буни кўркмасдан айтишимиз керак. Биз ўзимизга ортиқча иш, ортиқча ташвиш орттиришдан қочамиз. Ҳар бир фан аниқ вазифа асосида ўқитилгандагина ўз мевасини беради. Баҳолаш тизимида ҳам муаммоларимиз бор, яъни рейтинг тизимини модел тизимига мувофиқлаштиришимиз керак деб ўйлайман. Уларда талабалар ниҳоятда қизиқувчан, эркин, интилувчан, информацияларга ўч. Уларни ҳеч ким мажбурламайди, назорат қилмайди, лекин бемалол ўзлари кутубхоналарга бориб, маълум китоблар ёки Интернет тармоқлари орқали дунё билан алоқа қилишади. Бизнинг ёшларимиз ҳам бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш йўлларини изласалар яхши бўларди. Мен мумкин қадар тезроқ электрон кутубхоналар ташкил қилишни, ўқувчи ва талабаларни Интернет тармоғи орқали дунё билан боғлаш имкониятлари яратилишини орзу қиламан. Негаки, ўқувчини маълум китоб ёки маъруза билан чеклаб қўйиш ярамайди. Ўқитувчи шогирдларига мавзунинг фақат мағзини берсин, қолган маълумотларни эса уларнинг ўзлари қидириб, изланиб топишлари керак. Шундагина улар вақтнинг, танлаган касбларининг ҳам қадрига етадиган бўлиб тарбияланадилар.

Зафарбек Жўраевнинг куюниб айтган фикрларида жон бор. У коллежда бажарилаётган эзгу ишларни ютуқлар деб эмас, балки бажарилиши шарт бўлган БУРЧ деб тушунади. Бу даргоҳда қиёсий ёки нисбий тушунчалар билан эмас, аниқ режа билан иш юритилади. Уларнинг мақсади таълим сифатини ошириш орқали Андижон вилояти иқтисодиётини ривожлантиришдир. Ниҳол ҳам бирданига мева бермайди. Бунинг учун уни мавжуд шарт-шароитларга кўниктириш, парваришлаш лозим. Зеро, биз ҳам Андижон саноат касб-ҳунар коллежига экилган ниҳоллар ҳадемай дарахт бўлади ва мева беради, деб умид қиламиз.

1999 ЙИЛ 29 ИЮЛЬ. ХЎЖАОБОД ТУМАНИ

ҚИШЛОҚ ХАВФЛИ ЁВ

Иккинчи суҳбатдошимга юзланаман.

— Тоҳиржон, қилаётган меҳнатингиздан, турмушингиздан кўнглингиз тўлаяптими?

— Нега тўлмас экан, албатта тўляпти-да! Юртбошимиз ташаббуслари билан очилган шундай улкан газ омборида ишлаётган бўлсам... Мен бундан фахрланаман. Ишхонамиз замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Мен шу даргоҳда Юртбошимизга рўбарў келдим, у муҳтарам зотнинг самимий тилакларини, маслаҳатларини эшитганимда қанчалик суюнганимни сўз билан ифодалашим қийин. Ўшанда у киши: «Насиб этса, шу даргоҳда ишлаётган барча ёшларни хорижда ўқитаман», дегандилар. Худди айтганларидай бўляпти. Ҳамкасбларимизнинг кўпчилиги уммон орти ва бошқа Европа мамлакатларида малака ошириб қайтмоқдалар. Биз ҳам дунё кўриш, униб-ўсиш умидлари билан ишлаяпмиз бу ерда!..

Кайфият деганлари жуда юқумли бўларкан. Андижон газ омбори ишчиларининг хуш кайфияти бизга ҳам кўчди. Газчилар қишлоғида барпо этилаётган иншоотлар, йўлга қўйилаётган ободончилик ишлари диққатимизни тортди. Лекин бундан-да муҳими, юзлаб ишчиларнинг шу корхонадан ўз ўрнини топгани ҳамда вилоятимиз аҳолиси учун зангори олов таъминоти тубдан яхшиланганидир.

■ **Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**

Кузнинг тароватли кунларида академик Тошмуҳаммад Саримсоқов номли ширкат хўжалигининг «Андижон-Шаҳрихон» йўли бўйидаги даласида пахта чамандек очилиб кўзни қувонтиради. Мамлакатимиз Президенти вилоятимизга ташрифи давомида ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ўрмонжон Бозорбоев, бригадир Аҳмаджон ва мен билан деҳқончасига диллашди. Дон мустақиллигига эришишнинг аҳамияти ҳақида фикрлашдилар. Самимий суҳбатдан кўнгиллари тўлди шекилли, учаламизга ҳам тилла соат совға қилдилар. Қайтар чоғда очиқ чеҳра билан мутасадди раҳбарларга қарата: «Мана шундай деҳқонларнинг тажриба мактабини яратиш керак», — деб тайинладилар.

ДЕҲҚОН МАКТАБИ

Юртбошимизнинг тилаги ижобат бўлди. Эртаги, сифатли, саноатбоп пахтаю сара, мўл уруғлик буғдой етиштиришда пешқадамликни эгалладик.

Хўжаликда тажриба тариқасида буғдойнинг кўплаб навлари сепилиб, синовдан муваффақиятли ўтганлари катта майдонларга экишга тавсия этилмоқда. Тажрибаларни илмий асосда олиб бориш учун Краснодардаги дунёга машҳур ғаллачилик селекцияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорлик иш ривожини таъминламоқда. Уруғлик дон тайёрлаш ғаллакорларимиз даромадига даромад қўшмоқда.

1996 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРЬ. ШАҲРИХОН ТУМАНИ

Хўжалигимиз буғдойзорлари 53 нафар ижарачига шартнома асосида бўлиб берилди. Ижарачи ғаллакор Зуҳриддин Сиддиқов ўтган йилда шартнома шартларини ошириб бажариб, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди. Ихтиёр Тошбоев, Салим Умаровлар Зуҳриддиннинг издошлари.

Вилоят ғаллакорларининг муваффақиятлари салмоғи ортяпти. Андижонда тайёрланган буғдой уруғи Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилган навбатдаги кўрик-танловда дунёда энг сара дон деб баҳоланиши ва «Олтин юлдуз» нишони билан тақдирланиши ғаллакорларимиз меҳнатларининг халқаро эътирофи сифатида қалбимни тўлқинлантирди.

Юртбошимиз Андижонга 1999 йил охирида келганида «Яратганга минг бор шукрки, ўз донимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик. Бундай ўта масъулиятли вазифани бажаришда Андижон вилояти меҳнаткашларининг салмоқли ҳиссаси борлигини бугун барчамиз катта мамнуният ва миннатдорлик билан қайд этамиз» дедилар. Самимий сўзлар бошқалар қатори мени ҳам чексиз қувонтирди.

■ **Содиқжон АБДУРАСУЛОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони**

«ҲАЁТ ТАЖРИБАСИ АКАДЕМИЯСИНИ ТАМОМЛАГАНМАН»

1991 ЙИЛ. ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИ

Аҳамият бераётган бўлсангиз бугунги қўш саҳифамизнинг аксарият қаҳрамонлари кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб, олтмишдан ошган ва етмишга енг шимариб бораётган табаррук инсонлардир. Эҳтимол, Андижонни Андижон қилган асосий омил ҳам шу зукко оталаримизнинг олтин маслаҳатларию куюнчак онахонларимизнинг салмоқли насиҳатлари бўлгандир.

Қўрғонтепа тумани «Савай» қишлоғидаги «Аваз» хусусий наслчилик заводи фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Содиқов ҳам 66 ёшда. Лекин у киши билан ҳамсуҳбат бўлсангиз етмиш йигитни йўлда қолдирадиган куч-қувват ва ақлу заковатга эга эканлигини дарров пайқайсиз. Президентимиз билан дийдор кўришмоқ Комилжон аканинг кампирлари Мухторхон аяга ҳам насиб этган. Пайғамбар ёшидаги бу онахон етти қават кўрпача устида ўтиришдан кўра фермада — ёстиқдошининг ёнида фарзандларига бош-қош бўлиб юрмоқликни афзал билади.

— Бизга «хамиртуруш»ни Президентимиз бериб кетганди. Қолганини эса меҳнат билан топяпмиз, — дейди Комилжон ака, — Бундан ўн йил олдин бор-йўғи 10 гектар еримиз-у, 9 та сигиримиз бор эди. Оллоҳ бераман деса ҳеч гап эмас экан. Мана ҳозир еримиз 55 гектарга, сигирларимизнинг сони 160 тага етди. 20 нафар доимий ишлайдиган ишчиларимиз бор. Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Нонуштаниям, тушликниям шу ерда қиламиз. Дастурхонимизда ҳамиша янги қаймоғу иссиқ нонлар тайёр туради. Ўтган йили ҳар бир сигирдан 5120 литрдан сут олдик. Наслдор молларни етиштириш режасини ҳам 160 фоизга бажардик. Мен аслида ҳайдовчилик орқасидан нон топиб еган одам эдим. 40 йил ҳайдовчилик қилдим. Лекин шу пайтгача «Савай» қишлоғидан бир қадам ҳам силжимаганман. Буни қарангки, олтмишга борганимда молнинг тилини ўрганиб, шу меҳнатнинг орқасидан бола-чақа боқяпмиз. Икки қиз, беш ўғлимиз бор. Ҳаммаси олий маълумотли.

Комилжон ака ўз ибораси билан айтганда, ҳаёт тажрибаси академиясини тамомлаган. У шундай шаҳд билан сўзлайдики, беихтиёр бу отахоннинг гапини ҳеч ким иккита қилолмаса керак, деган фикрга борасиз. У одамларни ишга: ўғирлик қилмайсан, дангаса бўлмайсан, ичмайсан, бемаъни йўлларга юрмайсан деган тўртта шарт билан қабул қилади.

«Муҳтожлик, танбаллик балосидан қандай қутулиш мумкин?» — деган саволимизга шундай жавоб олдик.

— Қарамоғида эркаги йўқ ночор оилаларга ёрдам бериш керак. Лекин шундай оилалар борки, ўғиллари буқани йиқитади. Бироқ ҳеч қаерда ишламай, уйида ағанаб ётади. Шунақаларни кўрсам виждоним қайнаб кетади. Бир нарсани аниқ биламан, меҳнатдан ҳеч ким ўлмаган!

Комилжон Содиқовнинг овози ҳам, кайфияти ҳам баланд. Ана шундай забардаст отахонларимизнинг борлигига шукр!..

«ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР ОХИР»

Йигитларга етмиш, қизларга қирқ ҳунар оз, дейди халқимиз.

Эндигина ўн ёшга тўлган Нилуфар амакисининг қизи Муҳайёхон ва бухоролик чевар Махфиратхон тикаётган зардўзлик ишларига қизиқиб эътибор берар, меҳр билан йўғрилган меҳнат туфайли жуда бежирим ва гўзал тиллоранг тасвирлар пайдо бўлиши унга мўъжиза каби туюларди. Ўшанда у ҳам Муҳайё опасидек зардўз бўлишни орзу қилган. Кўп ўтмай Нилуфар зеҳни ўткир бўлгани учун зар ипларини бир текисда тикиб устозларига етиб олган. Унинг бу иқтидорини сезган Махфиратхон опа қизалоққа оқ фотиҳа берди. Устозининг бу далдаси ва ишончидан кўнгли кўтарилиб кетган Нилуфар кечалари билан игнани қўлидан қўймай зар тасвирларини ярата борди. У тиккан зарчопон, зарнимча, жойнамоз, чойнак ёпқич ва бошқа бири бирини такрорламайдиган буюмлар тез орада Боғишамол даҳасидагина эмас, балки Андижон, Шаҳрихон бозорларида ҳам харидорлар назарига оловдек ташланадиган бўлиб қолди. Қўни-қўшни ва таниш-билишлар ҳам бу чевар қизнинг маҳоратига тан беришиб, қизларини шогирдликка бермоқ ҳаракатига тушдилар.

Ўн саккиз ёшидаёқ устозликни бўйнига олган Нилуфархон Дадахўжаева ҳозир 20 ёшда. Бироқ унинг шогирдлари ўттиз-қирқ нафардан ошиб кетган.

Дадаси Расулжон ака ва аяси Манзурахон опаларнинг кўмаги билан очилган «Нилуфар» устахонаси ҳамиша гавжум. Нилуфархон опа-сингилларига ҳунар ўргатиш билан бирга Андижон бизнес мактабида сиртдан таҳсил олмоқда. Аввал шаҳар «Ташаббус» танловида иштирок этиб биринчи ўринни эгаллаган Нилуфархоннинг тиккан асарлари вилоят кўрик-танловида ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Хуллас, боғишамоллик қизларнинг зардўзлик буюмлари республика «Ташаббус» кўрик-танлови кўргазмасидан ҳам муносиб жой олди.

— Мен ҳозир мамлакатимиз гербининг тасвирини тикиш устида иш олиб боряпман. Мана шу ишимни кўнгилдагидек амалга оширсам, уни эл-юртга манзур қилолсам, ўзимни жуда-жуда бахтиёр ҳис қилардим, — дейди Нилуфархон.

■ **Феруза МИРЗАОЛИМОВА**

Қўш саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбирлари Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, Аҳмадилло СОЛИЕВлар тайёрлашди.
Суратлар муаллифи Хурсандбек АРАББОЕВ

НАВБАТ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА

«ГУЛИСТОН ЭКСТРАКТ-ЁҒ»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси

Ватанимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларни баҳор, гўзаллик, яшнаш ва яшариш байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қизғин муборакбод этади!

Биз ушбу байрамни ўз меҳнат муваффақиятларимиз билан кутиб олмоқдамиз. Халқимиз дастурхонига кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб бердик. «Оналар ва болалар йили»да азалий ва навқирон байрам билан табриклар эканмиз, юртимизда ҳамиша тинчлик ва осойишталик бўлишини тилаб қоламиз.

Дастурхонингиздан қут-барака, фаровонлик ҳамда тўкинлик аримасин!

ИНТЕРНЕТ ОЛАМИДА НИМА ГАП?

Ҳозирги кунда янги ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа деярли қолмади. Дунё мамлакатларини халқаро миқёсда бирлаштирувчи Интернет тармоғи нафақат ўзаро ахборот айирбошлаш воситаси, балки турли-туман соҳалар, жумладан, маданий, иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ўзига хос кўприк вазифасини бажаради. Бир сўз билан айтганда, Интернетнинг потенциал имкониятлари чексиз бўлиб, у орқали хилма-хил ишларни бажариш мумкин. Интернет тармоғи шиддат билан ривожланаётганини у орқали бажарилаётган электрон тижорат ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Мутахассислар келгуси бир-икки йил ичида электрон тижорат соҳасида эришиладиган даромадлар тахминан ўн баробарга ошишини башорат қилмоқдалар.

Айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда юртнинг фаровонлиги мамлакатда қанча хонадон Интернетга уланганлик кўрсаткичи билан ҳам белгиланмоқда. Айни пайтда дунё бўйича 500 миллион оила Интернет хизматидан фойдаланмоқда. Лекин ушбу кўрсаткичга Интернетга иш жойидан уланганлар ва Интернет-кафеларнинг фойдаланувчилари киритилмаган. Яна бир мисол. Ҳозирги кунда Интернет турли-туман хизматларнинг улкан галереясига айланган бўлиб, агар 1998 йилда электрон тижорат орқали 8 миллиард АҚШ доллари ҳажмида товар ва хизматлар айирбошланган бўлса, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 40 миллиард долларни ташкил этди. 2002 йилда эса бу кўрсаткич 80 миллиарддан ошиши тахмин қилинмоқда.

Кўпгина сармоядорлар ҳозирги кескин ўзгаришлар даврида информатика жиҳозлари, телекоммуникация воситалари, тармоқлар ва шу каби соҳаларга сармоялар киритишга тобора кўпроқ эътибор бермоқдалар. Чунки кўпчилик назарида ушбу соҳалар истиқболли йўналишлар бўлиб кўринмоқда. Ҳақиқатан ҳам охирги уч йил давомида компьютерлар сотиб олиш икки баробарга ошган. Интернетга алоқадор бўлган компаниялар акцияларининг қиймати шиддат билан ўсмоқда. Масалан, ўтган йили ўнлаб Интернет компаниялари акцияларининг қиймати ҳатто 100 баробарга ошган. Улардан баъзилари, масалан, America online (AOL) компанияси акцияларининг қиймати 1992 йилдан бери 800 баробарга ошган.

Энг йирик 5 та Интернет компаниялари (AOL, Yahoo, Amazon, AtHome, EBAY)нинг акциялари биржага киритилган дастлабки кунларда 1000 долларга акция сотиб олган кишининг жамғармаси 1999 йил 9 апрелда 1 миллион долларга етган. Биргина 1999 йилнинг ўзида Nasdaq кўрсаткичлари (Nasdaq — Нью-Йоркда юқори технологиялар акциялари айирбошланадиган йирик фонд биржаси) + 85,6 фоизни ташкил этди. 2000 йилда ушбу кўрсаткичлар бирмунча пасайган бўлса-да, йил охирида яна юксалишда давом этди. Интернет компаниялари фонд бозоридаги вазият қалтис ва беқарор эканлигини 2001 йил январь ойининг дастлабки кунлари ўтказилган навбатдаги савдо жараёни яққол тасдиқлайди: ўшанда акцияларнинг қиймати бирданига тушиб кетган бўлса-да, эртаси куни номаълум сабабларга кўра яна рекорд даражага кўтарилди.

Бир яхшининг бир ёмони бор деганларидек, ушбу жараёнда бир томондан ортиқча меҳнат сарф қилмасдан осонгина бойлик орттираётганлар сони кўпаяётган бўлса, иккинчи томондан ушбу жараён жамиятда тенгсизликнинг янада чуқурлашувига сабаб бўлмоқда. Ҳатто, нисбатан барқарор иқтисодиётга эга бўлган айрим ривожланган мамлакатларда тенгсизлик — бой ва камбағал ўртасидаги масофа йилдан-йилга ошиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда.

Айни масаланинг яна бир жиҳати борки, бу ҳақда тўхталиш ўринли, деб ўйлаймиз. Интернет инсон ҳаётини енгиллаштириш билан бир қаторда, афсуски, турли экстремистик фикрлар, миллатлараро адоватга даъват қилувчи чақириқлар ва турли хил беҳаё сурат ва кинофильмлар манбаи ҳамдир. Бу ҳисобга олинса, Интернет жамиятга иқтисодий фойда келтириш билан бирга, маънавий қадриятларга путур етказиши ҳам ҳеч гап эмас. Интернет ривожланган мамлакатларда мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, ўн бир ёшли болаларнинг камида ўн фоизи Интернетнинг порнографик сайтларини мунтазам томоша қилар экан. Қолаверса, баъзи чат, яъни мулоқот сайтларида ўсмир қизлар «пуллик севги» — фоҳишабозлик тўғрисидаги эълонларни ҳам жойлаштира бошлади. Бу эса кўпчиликни ўйлантирмоқда.

Шунинг учун ҳозирда ҳар бир халқ ўз миллий қадриятларини ана шу иллатлардан янада кўпроқ ҳимоялашига эҳтиёж сезилмоқда. Зеро, фақат мустаҳкам, тайёр, сергак ва суғурталанган жамиятгина XXI аср алғов-далғовларига бардош бера олиши мумкин.

■ Қодир ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар номзоди

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Давлат тижорат Халқ банки Сизга янги турдаги омонатларни таклиф қилади. Янги асрда хаётбахш умидларингизнинг ҳақиқатга айланишида Халқ банкининг янги турдаги «Аср совғаси» омонати якин молиявий кўмакдошингизга айланади.

Ушбу омонатга 5 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда биринчи кирим бадалларини қўйишингиз билан сақлаш муддатига мутаносиб равишда катта миқдордаги даромадлар сохиби бўласиз.

«АСР СОВҒАСИ» ОМОНАТИ — ОРЗУИНГИЗ ҚИСҚА МУДДАТДА РЎЁБГА ЧИҚИШИДАГИ КАТТА ИМКОНИЯТДИР!

Сиз Халқ банкида «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб жорий этилган «Бахтли болалик» мақсадли омонатига маблағ қўйиб, фарзандларингиз келажаги пойдеворини яратганингизга амин бўласиз.

Мазкур омонат фақат 2 ёшгача бўлган болажонлар номига очилиб, ҳар ойда камида 1000 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз, кўз ўнгингизда улғаяётган фарзандингиз учун муносиб совға ҳозирлайсиз. «Бахтли болалик» омонатига белгиланган йиллик фоиз даромадлари қўшилиши билан бирга, фарзандингиз 16 ёшга етганда омонатнинг охирги қолдиғи 100 фоизга кўпайтириб берилади.

Омонатни муддати тугамасдан олиш истаги туғилса, марҳамат.

Маблағларингизни фоиз даромадлари билан қайтариш биздан!

•••

Сиз янги жорий қилинган «Кексалик гаштти» мақсадли омонат турига 10 йил мобайнида ойига 1500 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз ўзингиз учун кексалик гаштини суришга замин ҳозирлаган бўласиз. Банк Сизнинг маблағларингизга ҳар йили даромад қўшиш билан бирга омонат муддати тугаши билан маблағингизни 100 фоизга кўпайтириб бериш мажбуриятини олади.

ОМОНАТНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ОЛИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ, МАРҲАМАТ!

САҚЛАШ МУДДАТИГА МУТАНОСИБ РАВИШДА ДАРОМАДЛАР ТЎЛАБ БЕРИШ БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗДИР.

Сизни қизиқтирган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

ЯНГИ АСРДА ХАЛҚ БАНКИ БАРЧА ХАЙРЛИ ИШЛАРИНГИЗГА МУВАФФАҚИЯТ ЁР БЎЛИШИНИ ВА ФАРОВОНЛИК ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИНИ ТИЛАБ ҚОЛАДИ!

ТУЗАТИШ

Газетанинг 2001 йил 13 март сонида чоп этилган «Агарни магарга кўёв қилсалар...

ёхуд олик-солиқ можароси» сарлавҳали мақоланинг 7-устунидаги «Вилоят прокурори» деб бошланувчи қатор «Вилоят прокуратурасининг прокурори Улуғбек Турдиев» деб, «Айблов хулосасини» деб бошланувчи қатор эса «Айблов хулосасини вилоят прокурори М. Мирсалихов» деб тузатиб ўқилсин.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Машъҳтиётқисмларибутлаш» ишлаб чиқариш корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Чамбил кўчаси, 26.
ОКПО 15928280.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси филология фанлари номзоди **Шукур НОСИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.15
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA